БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 73 (16.156) • 28 март 1975 йил, жума • Баҳоси 2 тийин

## Якунловчи йилнинг улкан одими

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида қўйилган вазифаларни амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан шу йилнинг биринчи квартали планини барвақт 27 мартда бажардилар.

Квартал планига қўшимча равишда анча миқдорда пўлат, прокат, компрессор, осма электр кранлар, трактор ва трактор прицеплари, минерал ўғит, пайпоқ, кийим-кечак, гўшт, мол ёғи, консерва ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент шаҳар саноат корхоналари коллективлари товар маҳсулотлари реализация қилиш ва маҳсулотларнинг қатор муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг биринчи квартал давлат планини 27 мартда бажардилар.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, электротехника, «Компрессор» заводлари, трикотаж фирмаси, 3-тикувчилик фабрикаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли фирма ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини оширишда соҳасида юксак натижаларга эришдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг корхоналари коллективлари пахта толасини қайта ишлаш ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш бўйича биринчи квартал планини 26 мартда бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари 40 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига пахта толаси етказиб бериш квартал плани ҳам бажарилди.

* * *

Андижон областидаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1975 йил биринчи квартали давлат планини муддатидан олдин, 26 мартда бажардилар. Пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Жиззах область саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан биринчи квартал планини 27 мартда бажарди. Шу ойнинг охиригача пландан ташқари 1 миллион 550 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. Бу эса қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан анча кўп.

(ЎзТАГ).

1975 БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

# ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА



Наманган область Поп районидаги Ленин орденли Ленин номли совхоз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш ва 8 минг тонналик хирмон кўтариш иш тиёқида иш бошладилар. Ҳозир совхоздаги қишлоқ хўжалик техникалари чигит экиш мавсумига ҳозирлаб қўйилди. Суратда: 6-бўлимнинг илғор механизатори Қўчқорбой Ҳасанов ва механик Ҳолдор Қозоқов (ўнгда) ўртоқлар мавсумга шайлаб қўйилган агрегатларни кўздан кечиришяпти.

С. Безносов фотоси.

# ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Марксизм-ленинизм таълимоти назария билан практиканинг яхлит бирлигини, бутун илмий, сиёсий идеология ишлари коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилишини тақозо этади. Партия ўзининг бутун ғоявий-тарбиявий фаолиятида марксизм-ленинизмнинг бебаҳо бойлигига, меросига, илмий методологиясига таяниб, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлларини конкретлаштириш ва тезлаштириш учун ниҳоятда реал ва аниқ программани ишлаб чиқиб, уни зўр муваффақият билан амалга оширмоқда. КПСС XXIV съезди қарорларида ҳар тарафлама чуқур асослаб берилган бу программа ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар фаолиятини улуғ ишларга — мамлакатимизда коммунизм нурафшон биносини барпо этишдек эзгу орзуларни рўёбга чиқаришга йўналтирмоқда.

Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган республика партия активи йиғилиши ана шу масалаларга — 1975 йил халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги масалага қаратилди. Аввало, шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, республикамиз партия ташкилотлари бутун идеология ишларининг жанговарлик, таъсирчанлик ролини кучайтириш, кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий-ижтимоий онглилигини, коммунистик эътиқодини, умумтаълим ва маданий савиясини ҳар тарафлама ошира бориб, уларда меҳнат ғайратини, сиёсий активликни беқиёс кучайтирмоқдалар. Партия активи йиғилиши қарорида айтилганидек, планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда ғоявий-тарбиявий иш жуда катта роль ўйнайди.

Республика партия ташкилотлари ва идеология муассасалари оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг турли форма ва воситаларидан фойдаланиб, ишчиларни, колхозчиларни ва хизматчиларни зарбдор меҳнат қилишга сафарбар этмоқдалар, ҳамма жойда тўқизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш йўлидаги мусобақани авж олдирмоқдалар, фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини, меҳнаткашларнинг қимматли ташаббусларини пропаганда қилмоқдалар, жорий этмоқдалар. Оммани ижодий ғайрат ва ташаббусини кучайтириш йўлида қилинаётган бу ишларнинг таъсир кучи улар қилаётган меҳнатнинг самарадорлигида ўз ифодасини топмоқда.

Республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида — саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника соҳасида эришилаётган ютуқларимиз катта. Республикамиз меҳнаткашлари партия XXIV съезди белгилаб берган улуғвор режаларни, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишда зўр самараларга эришмоқдаларки, бунинг натижасида қуёшли Ўзбекистонимиз экономикаси ва маданиятини ривожлантириш соҳасида тўқизинчи беш йилликка белгиланган марралар ўз суръатлари жиҳатидан анча илгарилаб борилмоқда.

Забардаст тўқизинчи беш йиллигимизнинг сўнгги якунловчи йили одим ташламоқда. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида шу беш йиллигимизнинг самарали якунланиши социалистик жамиятимизнинг коммунизм қурилиши йўлида олға томон жуда катта қадами бўлади деб таъкидланган экан, совет кишилари бу улуғ мақсадни дилга жо қилиб, ўзларининг қаҳрамонона, яратувчилик ишлари билан Ватанимиз кучига куч қўшмоқдалар. Қудратли мусобақа ҳаракати ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг битмас-туганмас ғайрат-шижоатини янги куч билан тўлқинлантириб юборди. Ҳозирги вақтда саноат ва қишлоқ хўжалигида оммавий тус олаётган янги-янги ташаббуслар, илмий асосланган ихтиро-кашфиётлар, қиёссиз ижодий изланишлар партия истиқболга чорлаган илҳомбахш чақириқларининг буюк таъсиридир.

Амалга оширилган ишларнинг самаралари ҳар биримизни беҳад қувонтиради, белгиланган тадбирларнинг реал ва ҳаётийлигига ишончимизни кучайтиради. Аммо қилинадиган ишларнинг, амалга оширилиадиган вазифаларнинг нўлами ниҳоятда катта, миқёслари кенг ва мураккаб. Бу йил республикамиз меҳнаткашлари саноат маҳсулотини реализация қилиш планини 20 декабргача бажариш, пландан ташқари 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал қурилиш планини 29 декабргача тугаллаш, давлатга 5 миллион 200 минг тонна пахта сотиш, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида топшириқларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш мажбуриятини олганлар.

Бутун куч, моддий-техника ресурслари ана шу юксак мажбуриятларни бажаришга сафарбар этилиши, партиявий, сиёсий ва ташкилотчилик ишларимизнинг, омма ўртасида олиб бориладиган бутун идеология ишларимизнинг мазмуни, мақсадлари шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга бўйсундирилиши лозим. Шубҳасиз, республикамиз партия ташкилотлари ва идеология муассасалари оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг турли форма ва воситаларидан фойдаланишда, жойларда оммавий-сиёсий ва оқартув ишлари жанговарлигини кучайтириш ва такомиллаштиришда, фан-техника ва илғор тажрибе ютуқларини пропаганда қилишда кўп иш қилдилар ва бу соҳада муайян тажриба тўпладилар.

Меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини, меҳнат активлиги ва ғайратларини кучайтириш, ғоявий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш — ҳозирги кунинг энг муҳим вазифасидир. Аммо партия ташкилотларининг омма орасида олиб бораётган идеология ишларида бир қанча камчиликлар ҳам бор. Баъзи жойларда оммавий-сиёсий ишлар қатъий системага солинган эмас, коммунист ва комсомолларнинг, меҳнаткашларнинг сиёсий-назарий ўқуви, иқтисодий таълими даражаси паст, лекция пропагандасининг савияси ҳамда миқёси, оммавий-оқартув муассасаларининг фаолияти ҳозирги давр талабларига тўла жавоб бермайди. Айрим жойларда идеология ишларининг коммунистик қурилиш кундалик практикасидан ажралиб қолиш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Утказилаётган идеология тадбирлари меҳнат коллективларининг конкрет вазифалари билан боғлаб олиб борилмаяпти.

Оммавий ахборотнинг ҳамма воситалари, чунончи матбуот, телевидение, радио ва санъат коллективлари совет кишилари кўрсатаётган меҳнат қаҳрамонликларини, илғорларнинг тажрибалари ва қимматли ташаббусларини қизиқарли, таъсирли формаларда, тўла ва ёркин акс эттириб бермаяптилар. Илмий муссасалар ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган проблематик масалаларни етарли равишда ишлаб чиқмаётирлар. Умумий ишимизга ҳалақит берадиган бу ва бошқа нуқсонларга тезда барҳам бериш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Партия ташкилотлари кишиларнинг онги ва дилига ғоявий таъсир ўтказишнинг жуда кўп қудратли воситаларига эгадирлар. Уларнинг ихтиёрларида идеология муассасалари ва ташкилотларининг кенг тармоғи, пропаганда ходимларининг жуда катта армияси бор. Улар оммавий ахборотнинг ҳамма воситаларидан, маданий-оқартув, илмий муассасалардан кенг ва малакали фойдаланиб, ғоявий-сиёсий ишларнинг жанговарлигини, таъсир кучини бутун чоралар билан оширишлари, бу ишнинг беш йиллик конкрет иқтисодий, социал ва маданий вазифаларини ҳал этиш билан узвий равишда боғланишига, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга эришишлари лозим.

Мусобақанинг камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатли маҳсулот берайлик, деган шиори миллионларнинг кундалик ишида асосий мақсад бўлиб қолди. Партия ташкилотлари бу мусобақанинг самарадорлиги ва унда қатнашаётган ҳар бир кишининг муайян муваффақиятга эришуви учун моддий-маънавий рағбатлантиришнинг ҳамма имкониятларидан самарали фойдаланиш керак. Пропаганда ходимларини танлаш, тарбиялаш, идеология ишига партия, совет, касаба союз ва комсомол раҳбар ходимларини кенг жалб этиш, барча меҳнаткашлар ўртасида айниқса, ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни ҳар жиҳатдан кучайтириш, уларни совет ватанпарварлиги, халқларнинг қардошларча дўстлиги ва интернационализм руҳида тарбиялаш — партия ташкилотлари фаолиятининг жанговар хусусиятларидир.

Ниҳоятда ишчанлик, уюшқоқлик вазиятида, курашчан танқид белгиси остида ўтган республика активи йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилди ва 1975 йил халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича жуда муҳим тадбирлар белгилади. Актив йиғилиши шуни қомил-ишонч билан таъкидладики, республика партия ташкилотлари идеология ишини замонавий вазифалар даражасига кўтариш учун ҳамма ишни қиладилар ва шу асосда 1975 йил планлари ҳамда социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилишини, умуман тўқизинчи беш йиллик муваффақиятли тугалланишини таъминлайдилар. Узбекистон Компартиясининг XIX съездини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездини муносиб кутиб оладилар.

## КОМИССИЯЛАРНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Саноат комиссияси Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарида техникани тараққий эттиришнинг ва жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигининг аҳволи тўғрисида республика Пахта тозалаш саноати министрлигининг ҳисоботи, шунингдек комиссия илгари қабул қилган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР сув тўғрисидаги кодексининг Сирдарё областида бажарилиши ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори қандай амалга оширалаётганлиги тўғрисида сув хўжалиги комиссияси мажлисида Сирдарё область ижроия комитетининг ҳамда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг ҳисоботи тингланди. Комиссия ўз қарорларининг бажарилиши устидан контроллик тарикасида республикада ер ости сувларидан фойдаланиш ва уни қўриклашнинг аҳволига доир масалани муҳокама қилди.

Савдо ва умумий овқатланиш комиссияси мажлисида матлубот кооперацияси системасида спорт товарлари билан савдо қилишнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида «Ўзбекбирлашув» правлениесининг ҳисоботи қараб чиқилди. Республика халқ хўжалик плани ва давлат бюджети лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва доимий комиссияларининг хулосаларида кўрсатиб ўтилган тавсиялар республика Савдо министрлиги ҳамда «Ўзбекбирлашув» правлениеси томонидан қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида ахборот ҳам тингланди.

Ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида чет мамлакатларда республика кино санъати муваффақиятларини пропаганда қилиш соҳасида кинематография давлат комитетининг ва Ўзбекистон ССР кинематографчилар союзининг ишлари тўғрисида ахборотлар тингланди.

Коммунал хўжалик ва маиший хизмат комиссияси Наманган областида қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни қараб чиқди. Республикани газлаштириш юзасидан тўқизинчи беш йиллик план топшириқларининг Ўзбекистон ССР Главгаз бошқармаси томонидан бажарилиши тўғрисида доимий комиссия қарорининг қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди.

Комиссияларнинг мажлисларида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎзТАГ).

## ҚАРШИ ЕРЛАРИДА ЯНГИ НАВ БУҒДОЙ

Умумиттифоқ лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари «Вересиж» нав буғдойни иқлимлаштириш экспериментининг якунловчи босқичига киришдилар. Камаши районидаги Карл Маркс номли совхоз тажриба даласида 50 гектар ерга шу уруғ сочилди.

«Вересиж»нинг дони йирик бўлиб, оқсил, витамин, клейковина моддаларига бой. Пояси калта ўсганлигидан чўлдаги қаттиқ шамолларда ҳам ётиб қолмайди.

— Янги машина бизга истиқболли кўринади, — деди Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном П. М. Стрельцов. — Умуман янги нав бундан аввалги синов босқичларида чакки чиқмади. Биринчи йилиёқ 60 гектарли тажриба даласида бу ерларда мисли кўрилмаган гармсел ва қурғоқчиликка қарамай, шартли суғориладиган ерларда гектар бошида 23 центнердан— махаллий навларга нисбатан 5-10 центнер кўп дон берди. Унинг замбуруғ касалликларига чалинмаслиги ҳам катта фазилатлардан ҳисобланади. Районлаштирилган буғдой навлари эса бундай хусусиятга эга эмас.

Экспериментнинг ҳозирги, сўнгги босқичи олимлар олдидаги кўп муаммоларни ҳал қилиб бермоғи лозим. Улар республиканинг жанубидаги ҳамма зоналарда истиқболли буғдой нави етиштириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйганлар.

**В. ШУМАЙЛОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**
Қашқадарё области.

## Расмий ахборот

### А. Н. КОСИГИН ПОРТУГАЛИЯ МЕҲНАТ МИНИСТРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Португалия муваққат ҳукуматининг меҳнат министри Жозе да Кошта Мартиншки 26 март куни Кремлда қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет—Португалия муносабатларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

К. Мартинш қуролли кучлар ҳаракати ва Португалия ҳукуматининг мамлакатда демократия ва тараққиётни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирлари тўғрисида ахборот берди.

А. Н. Косигин совет раҳбарлари номидан Португалия муваққат ҳукумати ва куролли кучлар ҳаракатининг революцион кенгаши янги демократик Португалияни барпо этишга сарфлаётган кучғайрат билан бирдамлик изҳор қилди.

### А. А. ГРОМИКО ДАВИД-ШАРЛЬ ГАНАО БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 26 мартда Конго Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Давид-Шарль Ганао билан суҳбатлашди.

Учрашув чоғида министрлар Конго Халқ Республикаси Президенти Мариан Нгуабининг Совет Иттифоқига қилган визити муносабати билан муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Халқаро аҳволнинг баъзи проблемалари, шу жумладан, Африка давлатларининг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Суҳбат дўстона ва амалий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

### ВЦСПСДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин Конго Халқ Республикасининг делегацияси составида Москвада меҳмон бўлиб турган Конго меҳнат партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Конго касаба союз конфедерациясининг бош секретари А. Кондони 25 март куни қабул қилди.

Дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида совет ва Конго касаба союзлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи Африка касаба союз ҳаракати ва халқаро касаба союз ҳаракати проблемалари муҳокама қилинди.

Суҳбат самимий дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

(ТАСС).

### ДЕПУТАТЛАР ТАВСИЯ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда Андижон область қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш юзасидан область ижроия комитетининг ҳисобот доклади тингланди. Депутатлар қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш ишларини янада яхшилашга қаратилган бир қанча тавсиялар киритдилар.

(ЎзТАГ).

### САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

НУКУС. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон АССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш бошланди.

Сайлов комиссияси составига Қорақалпоғистон касаба союзлари область советининг раиси Д. Қутибоев, Кегейли районидаги А. С. Пушкин номли ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Нуримбетова ва меҳнаткашларнинг бошқа муносиб вакиллари кўрсатилди.

### АРБИТРЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

Тошкентда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон давлат арбитражи раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда шу муассасалар қабул қиладиган қарорларнинг қонуний бўлиши устидан назоратни янада такомиллаштириш вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми талаблари асосида хўжалик қонунларини тўғри қўлланиш масалаларига катта эътибор берилди.

Кенгашда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат арбитражи Бош арбитрининг ўринбосари И. М. Останний сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

### «КОСМОС-721» ПАРВОЗДА

1975 йил 26 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-721» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

## МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Конго Халқ Республикасининг Президенти, давлат бошлиғи, Давлат кенгашининг Раиси М. Нгуаби ўртасида музокаралар 26 март куни Кремлда давом эттирилди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида Совет — Конго муносабатларини янада кенгайтириш масалалари қараб чиқилди. Совет Иттифоқи билан Конго Халқ Республикаси ўртасида тинчлик, социал тараққиёт учун, империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши курашдаги бирдамлик билан мустаҳкамланган самарали ҳамкорлик вужудга келганлиги ва муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд қилиб ўтилди.

Кўпгина муҳим халқаро проблемалар, шу жумладан Африка давлатларининг халқаро майдонда ўз сиёсий ва иқтисодий мавқеини янада мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган кураши масалалари муҳокама қилинди. Халқаро кескинликни юмшатиш жараёни кучаяётган ва мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик авж олаётган бир шароитда ёш давлатларнинг мустақиллик, социал ва иқтисодий тараққиёт йўлидан ривожланишини тезлатиш учун қулай шароит вужудга келганлиги таъкидлаб ўтилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

# ЧИНИҚИШ

Район партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми қарорларини бажара бориб, ўзларининг бутун ғоявий-сиёсий, партиявий-ташкилий ишларининг савиясини ҳар қачонгидан оширмоқдалар. Сўнгги йилларда ёш коммунистлар билан ишлаш соҳасида анчагина тажриба тўпланди. Район партия комитети пленумлари, бюро мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари умумий йиғилишларида кадрлар, айниқса ёш коммунистлар билан ишлаш масаласи тез-тез муҳокама қилиб бориладиган бўлиб қолди. Шубҳасиз, бу коммунистларни халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариш учун курашга сафарбар этиш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини янада оширишга кўмаклашмоқда.

КПСС аъзолигига кандидатлик муддати тугашига бир ой қолганда ёш коммунистларни район партия комитетининг партиявий-ташкилий ишлар кабинетига таклиф этиш одат тусига киритилди. Улар партия сафига ўтиш учун қандай тайёргарлик кўришаётгани, кандидатлик стажини ўташ даврида партия топшириқларини бажариш, ғоявий-назарий билим доирасини кенгайтириш, касб-маҳоратини ошириш масалалари бўйича район партия комитети масъул ходимлари, метод совети аъзолари томонидан суҳбатлашувдан ўтказилади. КПСС Устави ва Программаси билан етарли танишишганига тўла ишонч ҳосил бўлгач, уларга партия сафига ўтиш учун даҳлдор ҳужжатларни тайёрлаш ҳақида йўлланма берилади.

Бу ишлар ёш коммунистларни юксак сиёсий онглилик руҳида тарбиялаш билан бирга уларда яхши профессионал тайёргарликни атрофлича мустаҳкамлаш, экономика ва маданиятни ривожлантириш учун масъулиятни кучайтирмоқда, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий методларини билиб олишларига кўмаклашмоқда. Коммунистик партиямиз ёшларнинг янгиликни тўғри ҳис қилиш, ривожланиш истиқболларини кўриш, келажакка тўғри назар ташлашнинг энг яхши йўлларини излаб топиши ва ўзида камтарлик ҳамда принципалликни қарор топтиришига алоҳида аҳамият бермоқда. Зотан, кундалик ҳаётда ва ишлаб чиқаришда жадал ўзгаришлар рўй бераётган тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида бу фазилат жуда катта аҳамият касб этади.

Районимизда кадрларнинг асосий ядросини ёш коммунистлар, энг яхши инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, ростгўй ва принципиал кишилар ташкил этади. Улар инсоннинг иззат-нафсини, шаънини авайлаш, масалаларни принципиаллик билан ҳал этиш ариза ва шикоятларни адолатли позицияда туриб ажрим қилишга одатланиб қолдилар.

Колхоз ва совхозларимиздаги 349 партия группаси ташкилотчилари ва цех партия ташкилоти секретарларининг деярлик ярмини ёш коммунистлар ташкил этади. 115 бошланғич партия ташкилоти секретарларининг 57 нафари ёшлардир. Колхоз ва совхозларимиздаги 307 далачилик бригадаларининг 123 тасига ёш мутахассислар бошчилик қилмоқдалар. Ишлаб чиқаришда уларнинг ҳар бири авангардлик кўрсатмоқда. Шуни ҳисобга олиб, район партия комитети ташаббускор ёш коммунистларни партия ташкилотларига секретарь қилиб тавсия этишга алоҳида аҳамият бермоқда. Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида цех ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлиги вазифасига олий маълумотли, ишбилармон ва ташкилотчи ёшлардан 21 киши тавсия этилди ва сайланди.

Бу эса партия бюролари ва партком аъзолари фаолиятини анча активлаштириш, ёш коммунистда партия топшириғини масъулият билан бажариш, партиявий хушёрликни сезиш туйғусини тарбиялашга кўмаклашмоқда. Район партия комитети ёш коммунистлар ўқишларини бевосита намунали ташкил этган партия ташкилотларида қўргазмали семинарлар ўтказиш, колхоз, совхоз ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш санъатини эгаллаган, кишилар билан ишлаш соҳасида бой тажриба тўплаган ўртоқлар билан учрашувлар ўтказишни одат тусига киритмоқда.

Ёш мутахассисларнинг партия комитети номенклатурасига олиниши ва уларнинг раҳбарлик лавозимига юборилиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. КПСС аъзолигига кандидат Усмонжон Низомов «Москва» совхозига, Эгамназар Ғойибназаров Жданов номли колхозга бош агроном қилиб тасдиқландилар. Ўтган йили ҳар иккала хўжаликда экинларга агротехника қоидалари асосида ишлов берилишига, пахтачиликка илғор тажрибаларни жорий этишга, пахтани машинада териш салмоғи илгаригига қараганда анча ортишига эришилди. Бир центнер пахтанинг таннархи ишлаб чиқариш сметасидагига нисбатан 7 процент арзонлашди.

Ёш коммунистлар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришда, шахсий мажбуриятларни барвақт уддалашда киши қалбини қувонтирадиган ютуқларга эришмоқдалар. «Москва», совхози, Свердлов номли, «Правда» колхозларининг Абдураҳмон Исломов, Хадичахон Каримова, Мирхожиддин Давлатов ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари беш йиллик пахта етиштириш халқ хўжалик планларини ортиғи билан адо этдилар. Шунингдек, «Коммуна» колхозининг сут соғувчиси Арофатхон Солиева, колхозлараро қурилиш бошқармаси ғишт терувчиси Умарали Каримов, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси слесари Ашурали Маманазаров ўртоқлар сингари 2534 нафар ёш коммунист ва комсомоллар шахсий социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Ёш коммунист Набижон Солиев 1977 йил март ойи ҳисобига ишламоқда.

Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларимиз, халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик савияси янги босқичга кўтарилгани ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда. Коммунистларнинг бевосита ишлаб чиқаришдаги иштироки 87 процентга етди. Бошланғич партия ташкилотлари партия сафини тўлдиришда КПСС Устави талабларига тўла риоя қилмоқдалар. Партия сафига ишчи-деҳқон ва халқ зиёлиларининг энг илғор отрядини танлаб қабул қилиш, уларнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятига, ишлаб чиқаришда тутган ўрнига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу эса, партия сафларида ёшларнинг йилдан-йилга кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, ўтган йили 115 нафар меҳнаткашлар партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Уларнинг 66 процентини колхозчилар, 23 процентини ишчилар ташкил этди. КПСС сафига қабул қилинганларнинг 39 процентини аёллар, 83 процентини 30 ёшгача бўлганлар, — асосий ҳолларда комсомоллар ташкил этди.

Ишлаб чиқариш ривожланган, қишлоқ хўжалиги тараққий этган сари ёш коммунистлар билан ишлашни янада яхшилаш, уларнинг меҳнатдаги активлигини ошириш чораларини кўриш керак. Бу кўп жиҳатдан партия ташкилотлари ишини ўйлаб ва тўғри планлаштиришга боғлиқ. Ёш коммунистларни тарбиялаш масаласи кенг ва кўп қирралидир.

Партия стажи уч йилга тўлмаган кишиларнинг ҳаммасини ёш коммунист деб тушуниш ва уларни тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ана шуни ҳисоба олиб, район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларида ёш коммунистларни тарбиялашнинг яна бир йўли кенг қўлланилмоқда. Ёш коммунистнинг янги партия билетини олгандан кейинги ижтимоий фаолияти ҳақидаги ҳисоботини партия йиғилишларида тинглаб бориш қоида қилиб қўйилди. Райком бюроси ва комитет мажлисларида раҳбар кадрлар билан бир қаторда ёш коммунистларнинг ахборотларини тинглаб бориш ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Бошланғич партия ташкилотлари бюро ва комитетларининг аъзолигига сайланган ёш коммунистларни район партия комитети пленумларига, партия активи йиғилишларига навбат билан таклиф этилиши ва сўз бериб турилиши ҳам ижобий натижа бермоқда. Бу ёш коммунистларнинг ифтихор туйғусини ошириб, партиявий масъулият сезиб ишлашини таъминлаётир.

Районимиз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 68 минг тонна пахта, 27125 тонна сабзавот, 5200 тонна сут, 1141 тонна гўшт етиштириш юзасидан социалистик мажбурият олиб, уни муддатидан илгари бажариш учун бутун куч ва ғайратларини сарфламоқдалар. Бу юксак вазифаларни бажаришда районимиздаги ёш коммунистлар меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Ленин сиймоси туширилган янги партия билети олган 4 мингдан зиёд КПСС аъзолари район ойдида турган сиёсий ва хўжалик вазифаларини муваффақиятли уддалаш ишига меҳнаткашларни тўла сафарбар этиб, якунловчи йил социалистик мусобақасининг олдинги сафида бормоқдалар.

**В. ДАДАБОЕВ,**
**Андижон район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.**

# ПАРТИЯ ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитети 1965 йил тарихий март Пленумининг ўн йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилаётган «КПССнинг ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатининг актуал проблемалари» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси ўз ишини давом эттирди.

Сўзга чиққан нотиқлар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш борасида колхоз ва совхозлар эришган муваффақиятлар, қишлоқда содир бўлаётган чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларга партия ишлаб чиққан ҳамда қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг комплекс программасида ўзининг конкрет ифодасини топган иқтисодий ва ташкилий тадбирларнинг мунтазам системаси планли равишда муттасил амалга ошириб келинаётганлиги туфайли эришилганлигини уқтириб ўтдилар. Бу муваффақиятларнинг ҳаммаси партия, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси коллектив бўлиб олиб бораётган ишларнинг, марксизм-ленинизмнинг аграр сиёсати ижодий равишда ривожлантирилаётганлигининг, бу ишга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев катта ҳисса қўшаётганлигининг самараларидир.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида ишлаб чиқилган, сўнгра КПССнинг XXIII ва XXIV съездлари, Марказий Комитетнинг шундан кейинги пленумлари қарорларида ривожлантирилиб, мустаҳкамланиб келинган аграр сиёсат — қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш йўлидаги янги муваффақиятларнинг асосидир, деб таъкидланди конференцияда.

26 март куни Союзлар уйининг колонна залида конференциянинг якунловчи ялпи мажлиси бўлди. Мажлис ишида Ф. Д. Кулаков, Д. С. Полянский, П. М. Машеров ўртоқлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников, СССР министрлари ва давлат комитетларининг раислари, иттифоқдош республикалар Коммунистик партиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари, партия, давлат, касаба союз ва комсомол органларининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Якунловчи мажлисда секцияларнинг раҳбарлари — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг ректори Е. М. Чехарин, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори А. Г. Егоров, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги иқтимоий фанлар академиясининг ректори М. Т. Иовчук, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси экономика бўлимининг академик-секретари Г. М. Лознинг ахборотлари тингланди. Улар Бутуниттифоқ конференцияси секцияларининг иши тўғрисида, бу секциялар мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин рўй берган чуқур самарали ўзгаришларни умумлаштириб берганлиги ҳақида гапириб ўтдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси ўз ишини тугаллади. (ТАСС).

Тошкентдаги «Компрессор» заводида шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб бўлиб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган илғор ишчилар кўплаб топилади. Улардан бири коммунистик меҳнат зарбдори Собир Расуловдир. Суратда: юқори малакали слесарь С. Расулов.

И. Глауберзон фотоси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ — 50 ЕШДА

# МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этишдаги самарали хизмати ҳамда ташкил топганига эллик йил тўлиши муносабати билан «Ўзбекистон» нашриёти Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Республикамиз ташкил этилгач, кўп ўтмай Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти (ҳозирги «Ўзбекистон» нашриёти) ўз фаолиятини бошлади. Нашриёт матбаачилик ишини ташкил этиш ва ривожлантиришда, меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим роль ўйнади.

Дастлабки йилларда нашриёт кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Малакали муҳаррирлар, матбаачилар етишмас, полиграфия базаси заиф эди. Шунга қарамай, нашриёт ўз фаолиятининг биринчи йилидаёқ юзлаб номда китоблар нашр этди. Биринчи бўлиб «Коммунистик партия манифести»нинг ўзбек тилида чоп этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Манифест»дан кейин П. Лепешинскийнинг «Ленин билан бирга» рисоласи ўзбек тилида босилиб чиқди. Ҳозир нодир бўлиб қолган бу китоблар нашриёт коллективининг РСФСР Халқ Комиссарлари Совети 1918 йил январда «Давлат нашриёти ҳақида» Декретида белгилаб берган асосий вазифани амалга ошириш ишини бошлаб берди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика ҳукумати нашриёт ташкил этилган биринчи кундан бошлабоқ унинг ишини равнақ топтириш, чиқарилаётган китобларнинг ғоявий-назарий савиясини янада яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Авторлар активини ташкил этиш, муҳаррир-матбаачи ходимларни тайёрлаш, полиграфия базасини қайта қуроллантириш бўйича кўпгина ишлар қилинди.

Улуғ Ватан уруши йилларида эса кўпгина ходимлар фронтга кетиб, қоғоз ва полиграфия қувватлари етишмай қолганда ҳам нашриёт коллективи китоб чоп этиш имкониятини қидириб топа олди. Бу ерда чиқарилган китоблар кишиларимизни душманга нафрат, ўз Ватанига чексиз меҳр-муҳаббат ғалабага қатъий ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Пропагандистлик, ватанпарварлик, интернационализм руҳидаги китобларга талаб айниқса кучли эди. Совет жангчиларининг жанговар жасоратларини мадҳ этувчи «Жанговар лавҳалар» кутубхонаси туркумидаги китоблар катта эътибор қозонди.

Матбаачилик иши урушдан кейин айниқса кенг қулоч ёйди. Нашриётнинг бу йиллардаги фаолияти уруш туфайли вайрон этилган халқ хўжалигини тиклаш, қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, пахтачиликда кескин бурилиш ясаш тўғрисида партиямиз қўйган вазифаларни ҳал этишга йўналтирилди. Бу топшириқларни амалга ошириш жараёнида нашр этилган китобларнинг тематикаси ранг-баранг бўлаборди, ғоявий-назарий савияси ошди, бадиий-техникавий ҳамда полиграфик безатилиши яхшиланди.

Кўп профилли «Ўзбекистон» нашриёти аввалдагидек ҳозир ҳам асосий диққат-эътиборни снёсий адабиётларни, марксизм-ленинизм классикларининг асарларини нашр этишга қаратиб келмоқда. В. И. Ленининг ўзбек тилидаги 55 томлик тўла асарлар тўплами 1972 йилдан бери чоп этилмоқда. Ҳозиргача унинг 15 томи китобхонлар қўлига тегди. В. И. Ленининг айрим асарлари, тематик тўпламлари мунтазам равишда нашр қилиняпти.

Кейинги тўрт йил ичида 1759 номда китоб ва плакатлар босмадан чиқди. Улар орасида Л. И. Брежневнинг тўрт томлик «Ленин йўлидан», «Партия қурилишининг актуал масалалари тўғрисида», «КПССнинг аграр сиёсати ва Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштириш», М. А. Сусловнинг «Танланган асарлар»и, авторлар коллективининг «Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи очерклари», «Халқлар дўстлигининг буюк кучи», Ш. Р. Рашидовнинг «Ленинча миллий снёсат тантанаси», Н. М. Матчоновнинг «Ўзбекистон — Советлар республикаси», Н. Ж. Худойбердиевнинг «Қардош халқларнинг ягона оиласида», А. Икромовнинг уч томлик танланган асарлари, М. Искандаровнинг «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ҳозирги босқичдаги идеология иши» сингари китоблар бор.

Нашриёт республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини қамраб олувчи қишлоқ хўжалик адабиётларини чиқармоқда. Бунда республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлмиш пахтачиликка алоҳида ўрин берилаётир. Қишлоқ хўжалигига оид китоблар илмий-оммабоп серияларда нашр этилянти. Ишлаб чиқариш ва справочник характеридаги китоб ва брошюралар кўплаб чиқарилмоқда. Ҳар йили рангбаранг тематикада юзга яқин снёсий ва бошқа хил плакатлар нашр этилянти.

Китобларнинг ғоявий-назарий, бадиий, техник ва полиграфик сифатини яхшилаш борасида нашриёт катта муваффақиятларга эришди. Энг яхши китоблар учун ўтказилган Бутуниттифоқ ва республикалараро конкурсларда 16 та нашр диплом ҳамда ёрлиқлар билан тақдирланди. Нашриёт Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида қатнашиб, диплом олди.

«Ўзбекистон» нашриёти ярим аср мобайнида шарафли йўлни босиб ўтди. Бу зиё маскани Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлангани фикримизнинг ёрқин далилидир. Нашриёт коллективи кекса авлодларнинг энг яхши анъаналарини эъзозлаб келмоқда. Бу КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари тарихий қарорлари асосида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масъулиятини чуқур ҳис қила билишда ўз ифодасини топмоқда. Коллективимиз аъзолари бундан буён ҳам тажриба ва билимини қалб қўрини партия ишига, халқ ишига бағишлайверади.

**О. АБДУРАҲМОНОВ,**
**Халқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриётининг бош редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# БИР ЖАНГ ТАФСИЛОТИ

СУНМАС У ЙИЛЛАР ШУҲРАТИ

XXX

**Қаршимизда ўтирган қариянинг бошига йиллар қиров тўкиб, юзларига тўр ташлаб ўтган бўлса ҳам, ҳали у йигитлардай бардам. Саид ота ўз ҳаёт тарихи саҳифаларини бирма-бир варақлар экан, республикада совет ҳокимиятини барпо этган юзлаб, минглаб оддий совет кишилари каби унинг ҳам босиб ўтган катта ҳаёт йўли кўз олдимизда секин-аста гавдаланар эди. 1919 йилдан ВЛКСМ аъзоси, 1929 йилдан коммунист Саид Нормуҳамедов ўзининг бутун ҳаётини, қалб қўрнию, билан кучини эл бахт-саодати ишига бахш этган кишилардан. У гражданлар уруши фронтларида босмачиларга қарши курашларда жанг қилди. Республикадаги биринчи комсомол ячейкаларини тузишда ташкилотчилик қилди. Саводсизликни тугатишда фаоллик кўрсатди. Партия уни қаерга ва қайси ишга сафарбар этмасин, Саид Нормуҳамедов ўзига топширилган вазифани ҳамма вақт сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилди. У оддий ўқитувчиликдан Самарқанд педагогика институтининг директорлигигача, Нурота район партия комитети бўлим мудирлигидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими вазифасигача бўлган катта ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ҳозир у 73 ёшда, нўксини қатор жанговар ва меҳнат орден ҳамда медаллари безаб турибди. Саид ота ҳали тетик ва бардам. Республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер. «Билим» жамиятининг аъзоси сифатида тез-тез шаҳар ва қишлоқларда меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, улар билан қизғин суҳбатлар уюштиради, партия сўзини кенг меҳнаткашлар оммасига етказишга ҳаракат қилади.**

**Қуйида Саид ота Нормуҳамедов ўзи босиб ўтган катта ҳаёт йўлининг кичик бир лавҳаси— Улуғ Ватан урушида қатнашган йилларининг фақат бир кунлик воқеаси ҳақида ҳикоя қилади.**

...Кечга бориб, «Красний Октябрь» колхози далаларида жанг қилаётган бригадамиз қуршов ичида қолди. Уз қўшинини жангга ташлаб иш чиқара олмаган душман дивизияси бригада атрофида халқа бўлиб тўхтаб қолди. Юқоридан буйруқ келди: «Бригада дарё йўлини тўсган қоядай қимир этмай туравersин. Мудофаа ўрни қулай. Фронт ичкарисидан мадад юборилади».

Снарядлар портлайвериб ғалвир бўлиб кетган Сал чўли ловуллаб ёнарди. Коп-қора қўнғизлардай тумшуғи ерга қадалган танклар бурқсиб тутар, аллақаерда пулемёт тариллаб, коп-қора тун бағрига ҳовуч-ҳовуч чўғ отарди. Аҳён-аҳёнда тунги осмонда снарядларнинг чийиллаб учиши ва портлашнинг гулдираши эшитиларди.

Бир бурда сариқ, совуқ ой хира нур сочди. Кечанинг изғирини кучайди. Кун бўйи жанг қилиб толиққан тўпчилар шинелга бурканиб олиб окоп тубида қаттиқ уйқуга кетган эди. Совуқдан баданим муз кесилди. Хандаққа туширib қўйилган 76 миллиметрли тўп қувурини тозалаб, снарядларни тахт қилиб қўйган Мамажон Орипов билан Алиев ҳам юмушларини тугатиб, ёнимга келиб ўтиришди. Мамажон шошилмай махорка ўради. Окоп ёқасида снаряд қўпориб ташлаган бутанинг бутоқ-навдаларида совуқ шамол шивирларди. Кучи қирқилган душман писиб ётган чўл туни қандайдир сирли, ваҳимали эди. Унинг қорамтир ойнасида узоқ-узоқлардаги ёнғиннинг қизғиш нури йилтирарди. Шабада аллақаердан куйик нон исини учириб келтирди.

— Ғаллани ёндиришяпти, нон кўр қилгурлар, — Алиев ғижиниб гапирди. — Эртага жанг пайтида калласини олмадай учирмасамми...

Батареяга ўзбекистонлик йигитлар тўпланишганди. 79-бригада республикамизда тузилиб, биринчи жангини Шимолий Кавказ фронтида, Сал чўлларида бошлаган эди. Батарея командири Василий Димитров андижонлик, Алиев ленинободлик, Орипов эса тошкентлик эди. Алиевнинг ғижиниб сўзлагани сабабини яхши тушуниб турардим. Дон қадрини деҳқон билади, деганларидай, ер ҳайдаб, уруғ экмаган, ғалла ўриб, хирмон совурмаган фашист газанда доннинг қадрига қандай етсин?

...Тонгга яқин ҳаво айниди. Бўралаб лайлак қор ёғди. Чўтир дала юзидаги уйдим-чуқур яра излари қор остига кўмилди. Тўпни ўт очиш нуқтасига олиб чиққан жангчилар нонушта қилиб улгурмай, Василий Димитровнинг буйруғи янгради:

— Тўплар ёнига!

Узоқ-узоқларда, қор остида чўккан сўқир кўзли бинолар ортидан мўр-малахдай душман танклари ўрмалаб кела бошлади. Алоқачи телефон трубкасини қулоғидан олмай, 360-артдивизион командирининг буйруғини эшиттирди.

— Бирорта ҳам танк олдинги линиядан ўтказилмасин!

Тўп нишонининг туташ чизиғида қўнғиздай ўрмалаб келаётган танкни тутар эканман, юрагимда ғазаб қайнарди. Порох тутуни орасидан танкнинг бир қалқиб бурқсиб тутаганини кўриб ичимга сиғмай қувониб кетдим. Нишон халқасини тез-тез бураб навбатдаги танкни «тўр»га илинтирдим... Танклар ортидан жон-жаҳдлари билан югуриб келаётган душман автоматчилари қоришиб кетиб, орқага чекинди.

Шундан кейин позицияларимизга самолётлардан оғир бомбалар ёғилди, артилерия ва миномётлардан тинимсиз ўққа тутишди. Сон жиҳатдан ҳам, техника жиҳатидан ҳам кучли душман қисмларининг тобора кучайиб бораётган ҳужуми бошланди. Пайхон бўлган далаларда бурқсиган душман танклари қўлайиб борарди. Дўстларим яраларини шоша-пиша боғлаб, яна сафда қоловеришарди. Мамажон Орипов билан Алиев ҳам ярадор бўлишига қарамай снаряд етказиб берар. Василий Димитров қичқириб команда бераверib, овози бўғилиб кетган эди. Юз-кўзлари дуд тегиб қорайган жангчиларнинг кулоқлари чиппа битиб қолган, тўпларнинг гумбирлаши-ю, танкларнинг гулдирашидан бошқа овоз эшитилмас эди. Бундаги ҳар бир метр ер неча-неча марталаб снаряд, бомба ва миналар билан тилка-пора қилинди. Душман чекинди, озгина нафас ростлагач, янги куч билан яна ҳужумга ташланарди. Қайта бошдан ҳаммаёқни чанг-тўзон, тутун босарди, яна бутун мудофаа изиғи бўйлаб тўп, пулемёт ва автоматлардан ўқ ёғдириларди. Ҳар гал юзларча гитлерчилар ер тишлаб, омон қолганлари эса изларига қараб тумтарақай қочишар, қуйган танклари панасига, снарядлар ўйиб ташлаган чуқурларга тушиб яширинишарди.

Душман ҳужумининг саноғини йўқотиб қўйдим. Кўзларим билан тинмай нишон чизиғида танк қидирардим. Навбатдаги жанг пайтида Василий Димитров ҳалок бўлди. Одамлар сафи сийраклашиб ўн бир кишилик тўп расчетидан бир неча кишигина қолдик. Командирликни ўз зиммамга олдим, энди тўпга снаряди ўзим жойлар, аниқ нишонга олиб, сўнг отардим. Бригада ниҳоятда шиддат билан, мисли кўрилмаган матонат билан жанг қиларди. Кечга томон мадад етиб келгач, душман халқасини ёриб, уни улоқтириб ташладик.

Шу кундан эътиборан биз фақат ҳужумда бўлдик. Елец, Батайск ва Ростов шаҳарларини озод қилишда қатнашдим. Сўнг ярадор бўлгач, Узбекистонга қайтдим. Ҳозир ҳам коммунизм қураётган кишилар сафида туриб тинчлик учун курашга муносиб ҳиссамни қўшаётганимдан бахтлиман.

**Саид НОРМУҲАМЕДОВ,**
**республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1929 йилдан КПСС аъзоси.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

# «ГЎЗАЛЛИК ВА КАМОЛОТ МАКТАБИ»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган («Совет Ўзбекистони», 4 январь 1975 йил) суҳбат республикамизда хотин-қизларни физкультура ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш, бу соҳада ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш зарурлиги масалаларига бағишланган эди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетидан олинган жавобда таъкидланишича, комитет физкультура ва спортга хотин-қизларни оммавий равишда жалб этишни асосий вазифалардан бири, деб ҳисоблайди. Бу соҳада маълум ишлар ҳам амалга оширилган. Чунончи, ўтган йилнинг ўзида ГТО комплекси нормативларини топиришга 800 мингдан зиёд қизлар ва аёллар жалб этилди. Улардан 300 мингга яқин хотин-қиз ГТО нишондори бўлди. Бироқ, комитет бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўламини етарли эмас, деб ҳисоблайди. Коллегия мажлисида газетада кўтарилган масала атрофлича муҳокама этилди, ҳамда тегишли қарор қабул қилинди. Республикадаги барча физкультура ташкилотлари зиммасига хотин-қизлардан юқори малакали спортчилар етиштиришни кучайтириш вазифаси юклатилди.

Калинин районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхози сабзавотчиликка ихтисослаштирилган янги хўжаликдир. Совхоз деҳқонлари сабзавот маҳсулотларини йил сайин кўпайтира бориб, эл дастурхонини безаш учун кураш бошладилар. Шу кунларда совхоз далаларида картошка экиш қизғин бормоқда. Суратларда: 1. Совхоз бош агрономи Абдуқодир Нурматов картошка экилаётган майдоннинг тупроғини кўздан кечирмоқда. 2. Экин майдонлари сабзавот экиш учун ҳозирланмоқда.

А. Тўраев фотолари.

## Советлар мамлакатида

### ТАЙГАДА ЭЛЕКТР ЛИНИЯЛАРИ

◆ ХАБАРОВСК.

Амур бўйидаги тайгада юксак вольтли янги электр линиясининг дастлабки устунлари ўрнатилди. Бирофельд — Ленинское электр линияси Хабаровск ўлкасининг жанубида барпо этилаётган янги совхозларга давлат энергия системасидан ток беради.

### САБЗАВОТ — АҲОЛИГА

◆ АРХАНГЕЛЬСК.

«Архангельский» совхози сабзавотчиларининг теплицаларида бултургидан бир ой барвақт ёпасига бодринг узила бошланди. Бу ерда ойнаванд полизлар 50 минг квадрат метрдан зиёд жойни эгаллаган. Шаҳар магазинларига йил бўйи кўк пиёз, петрушка, сельдр юбориб турилади.

### ШАНБАЛИК ҲИСОБИГА

◆ НОВОСИБИРСК.

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Сибирь бўлимининг президиуми — Сибирь қишлоқ хўжалик фанларининг «штаби» ўз адресини ўзгартирди. У 1969 йилги Бутуниттифоқ ленинча шанбаликдан тушган маблағлар ҳисобига Обь дарёсининг сўл соҳилида қурилаётган академия шаҳарчасига кўчиб ўтди.

### ВЕНГРИЯ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА

◆ ОЛМАОТА.

Мазкур машиналарга республика энергетика системалари ўртасида электр қувватини мақбул тарзда тақсимлаш, шунингдек уларнинг иш режими тўғрисидаги ахборотни сақлаш юзасидан тавсиялар бериш топширилган. Машиналар диспетчерлар учун зарур маълумотларни телевизион экранда кўрсатиб туради ва айни вақтда қоғозга кўчиради.

Фойдаланиш учун қабул қилинган Венгрия электрон-ҳисоблаш машиналари Қозоғистоннинг бутун электр энергиясини бошқарувчи автоматлашган системанинг бир бўғини бўлади. Бу системанинг биринчи навбати шу йил ишга туширилади.

*Давра суҳбати:*

# ИСТИҚБОЛ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

### БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТУРТ ЙИЛДА

**Яқинда Ильич райони маркази — Пахтаободда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга бағишланган анжуманда бўлдик. Район пахтакорларининг сўнгги йилларда эришган ютуқлари ҳаммани қувонтиради. Беш йиллик план тўрт йилда ошириб бажарилди. Мана, рақамларга мурожаат қиламиз: район ўтган беш йилликда сурункасига 4 йил планни бажармаган эди. Тўққизинчи беш йиллик зафар билан бошланди. Иллик пахта тайёрлаш ва машина теримида ҳам, ҳосилдорликни оширишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Давра қатнашчилари ана шу ютуқларнинг асосий омилларини ўртага ташлашди.**

**Саттор УСМОНОВ — Титов номли совхоз директори:**

— Совхозимиз ўтган йили 22 минг тоннага яқин пахта топширди. Биз бу кўрсаткичга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришдик. Чунки қўшимча ер майдони қўшилгани йўқ. Биз фақат ерларнинг мелиоратив ҳолатини, структурасини яхшиладик. Барча майдонларда ёпиқ, вертикал дренажлар қурилди. Эришилган ютуқнинг яна бир томонидан кадрлар билан ишлаш ва уларни танлаш борасида олиб борилган ишлар натижасидир. Кадрларимиз масъулиятни чуқур сезадилар, ўз бурчига садоқат билан қарайдиган кишилардир. Агар 1970 йилда бўлим бошлиқларидан икки киши махсус олий маълумотли ихтисосга эга бўлган бўлса, ҳозир 9 киши олий маълумотли агроном ихтисосига эга. Бригада бошлиқларининг 70 процента ўрта маълумотли махсус мутахассисликка эга. Бу рақам илгари 10—15 процентни ташкил қилар эди. Совхоз пахтакорлари бу йил 22 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Деҳқонларимиз сўзсиз бу ишнинг уддасидан чиқадилар.

**Эгамберди БОТИРОВ — «Правда» совхозининг 1-бўлим бошлиғи:**

— Ҳақиқатан районда пахта етиштириш кескин кўтарилиб кетди. Бунинг бонси шундаки, район партия ташкилоти барча мутахассислар ҳамкорлигида ўтган йилларда содир бўлган камчиликларни синчиклаб ўрганди. Уни бартараф қилишда аниқ тадбирлар белгиланди. Дастлабки қадамни ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлаб жуда тўғри иш қилинди. Чунки аввалги йилларда ер структураси бузилиб, ер ости сизот сувлари юзага чиқиб қолган, ерларни шўр босганди. Захкаш бўлди. Райондаги ҳар бир хўжаликда бу камчиликларни бартараф қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Деярли барча майдонларда ёпиқ, вертикал ва горизонтал дренажлар қурилди. Ер структураси яхшиланди. Бундан ташқари ҳар йили барча пахта майдонимизни қишда яхоб суви билан тўлиқ суғорамиз. Бу иш жуда самарали бўлмоқда. Натижада ҳосил ёмон бўлмаётир. Ҳар йили ўртача 38—40 центнердан ҳосил олмоқдамиз. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда «Денажстрой» трестининг 24, 27-механизациялашган кўчма колонналари коллективларидан миннатдормиз.

**Қувондиқ АБДУРАЗЗОҚОВ — 9-қўриқ совхоз директори, республикада ҳизмат кўрсатган механизатор, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг бюро аъзоси.**

— Менимча. эришилган ютуқларнинг яна бир томонинкейинги йилларда илғорлар тажрибасини моҳирона оммалаштиришдадир Чунки районда илғор бригадалар бўлимлар иш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. улар базасида семинарлар ўтказилди. Илғор пахтакор ва механизаторларнинг иш тажрибасини ҳикоя қилувчи 30 дан зиёд плакатлар чиқарилди. «Ленин йўлидан» район газетаси саҳифасида «Илғорлар тажрибаси—оммага» рубрикаси остида илғорлар тажрибасини ҳикоя қилувчи материалларнинг мунтазам берилиб бориши ҳам катта ижобий самара берди Тажриба алмашиш кенг йўлга қўйилди. Бизнинг янги очилган совхозимиз 2600 гектар ерга чигит экади. Совхоз яқиндагина ташкил бўлганига қарамасдан кўкламги дала ишларимиз қизғин бормоқда.

**Фармонқул РАҲМОНҚУЛОВ — «Правда» совхозининг механизатори.**

— Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ва алмашлаб экиш агротехникасининг тўғри йўлга қўйилиши— зафар гарови бўлмоқда. Ҳозир районимиздаги барча хўжаликлар алмашлаб экиш системасига ўтган. Бундан 4 йил олдин совхозда механизатор кадрлар етишмасди. Буни бартараф қилиш учун совхозимизда механизатор кадрлар тайёрлаш курси ташкил қилиб 800 дан зиёд ишчининг ҳаммасига механизатор касбини ўргатдик. Эндиликда барча бригада бошлиқлари. бригада аъзолари, бўлим бошлиқлари механизатор касбига эга. Комплекс механизацияни кенг жорий қилиш туфайли пахта таннархи кескин арзонлашди. Бизнинг бригадамизда ва айни пайтда Бурхон Аноров, Голиб Норқулов ва бошқа ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда 1 центнер пахта таннархи 10—12 сўмга арзонлашди. Совхозда узоқ йилларга мўлжалланган алмашлаб экиш системаси ишлаб чиқилиб. бунга қатъий амал қилинмоқда. Алмашлаб экишнинг тўғри йўлга қўйилиши сабабли ҳосилдорлик гектар бошига 12 центнердан 30 центнерга кўтарилди. Совхоз уч йилда беш йиллик пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Ўтган йили 16 минг тоннадан зиёд пахта топширилди. Унинг 15,5 минг тоннаси машиналарда терилди. Биз 1974 йил якунини танқидий кўз билан таҳлил қилар эканмиз, бир қанча муаммоларга дуч келамиз: нима учун бир машинада 80 гектар, иккинчисида 150 гектар майдонга чигит экилди? Нима учун бир машинада 90 тонна пахта терилди, иккинчисида 250 тонна? Иш унуми паст бўлган машинада қандай камчиликлар бор? Ёки ундан яхши фойдаланилмадими ўз вақтида? Агар техника қоникарли ишламаган бўлса, уни ким ремонт қилган ва ким бошқарганлигини аниқлаб, камчиликларни бартараф қилиш йўлларини ахтармоқдамиз. Бу йил ана шу камчиликларнинг содир бўлмаслиги тадбирларини белгиламоқдамиз. Бу йил совхозимиз пахта хирмонини 17 минг тоннага етказамиз, деб сўз бергамиз. Бунинг учун меҳнатни илмий асосда ташкил этиш талаб қилинади, албатта.

Суҳбатдошларимиздан Узоқов номли совхоз директори **Неъмат ЭРНАЗАРОВ**, Гагарин номли совхоз директори **Уммат АЛЛАЕРОВ**, Волков номли совхознинг илғор бўлим бошқарувчиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор **Исмоил НОСИРОВ** ва бошқалар эришилган муваффақиятларнинг яна бир томони — социалистик мусобақанинг ҳаётбахш қудратини таъкидлаб ўтдилар. Суҳбатда қатнашганларнинг ҳаммаси Пахтаободнинг моҳир пахтакорларидир. Шу туфайли суҳбат гоят фойдали ва таъсирчан бўлди.

Давра суҳбатига район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган агроном **Абдулҳақ АБДУШОҲИДОВ** шундай якун ясади:

— Ильич Сирдарё областининг қўриқ зонасида ташкил топган йирик районлардан биридир. Районимиз пахтакорлари атиги саккизинчи бор хирмон кўтардилар. 1971 йили, яъни тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки босқичида давлатга жами 44 минг 568 тонна пахта топширилган эди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 20,3 центнерданга тўғри келган эди. Сўнгги уч йил давомида ҳосилдорликни муттасил равишда ошириб боришга эришдик. Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 25 центнерга етказиб хирмон кўтарилди. Пландаги 43220 тонна ўрнига 56 минг тонна «оқ олтин» етиштирилди. Натижада беш йиллик план тўрт йилдаёқ ошириб бажарилди. Ана шу давр мобайнида она-Ватанга жами 204 минг 921 тонна чўл дурдонаси етказиб берилди. Бу беш йиллик планда кўзда тутилганидан ҳам 5 минг тонна кўп, демакдир.

Партия ва ҳукуматимиз хўжаликка раҳбарлик қилишни муттасил такомиллаштириб бориш, мавжуд резервлардан унумли фойдаланишга даъват этмоқда. Қишлоқ хўжалик резервлари — катта бойликдир. Беш йилликнинг белгиловчи йилида районимизнинг энг йирик хўжаликлари — Титов номли, «Правда», Волков номли совхозларнинг меҳнаткашлари гектар бошига 30—31 центнердан ҳосил олдилар. Узоқов номли, Гагарин номли совхозларда эса ялпи ҳосил 2—2,5 баравар кўпайди. Булар — кейнги тўрт йил давомида район бўйича ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 10—12 центнерга ошганидан далолат беради. Шу йиллар ичида техникадан унумли фойдаланиш коэффициенти ҳар қачонгидан юқори бўлди. Масалан, саккизинчи беш йилликда етиштирилган ялпи ҳосилнинг 50—60 процента машиналар ёрдамида териб олинган бўлса, ҳозир умумий ҳосилнинг 90 процентдан ортиғини техника кучи билан йиғиб-териб олиш имкониятига эга бўлдик.

Сўнгги йилларда районда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам яхши ривож топди. Масалан, 1971 йилдагига нисбатан дон етиштириш 9—10 баравар, картошка етиштириш 9 баравар, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш эса 4—5 бараварга кўпайди.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида кўпгина қувончли ишларни амалга оширдик. Аммо, қилинадиган ишлар эса ундан ҳам кўпдир. Биз беш йилликнинг сўнгги йилида камида 60 минг тонна пахта етиштиришга, чорвачиликни янада ривожлантиришга, она-Ватанга ҳар қачонгидан ҳам кўп галла, мева, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари армуғон этишга қарор қилганмиз. Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар бор, тажрибамиз етарли. Баҳорнинг дастлабки кунларидан унумли фойдаланиб, хозиргача анчагина зарур дала ишларини амалга ошириб қўйдик. Район хўжаликларида шўр ювиш, яхоб бериш, суғориш шохобчаларини тозалаш ва кенгайтириш, техника ремонти ишлари муваффақиятли тугалланди. Кўкламги экиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

**Қишлоқ хўжалик йили якуни ва келажагига бағишланган давра суҳбати илғор тажрибаларни баҳам кўриш руҳида, ишчанлик кайфиятида, омилкорлик ва энг муҳими, муайян ютуқлар билан чегараланмаслик вазиятида ўтди. Истиқбол ҳақида ўйлар — янги зафарларнинг гарови ва калитидир. Биз ана шундай теран мазмунли давра анжуманларини, ижодий баҳсларни ёқлаймиз ва олқишлаймиз**

**Ж. ИСРОИЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.**

**Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**«Совет Узбекистони» махсус мухбири.**
**Сирдарё области.**

## Оламда нима гап

### СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

#### ПБИП ҲАЁТИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

ВАРШАВА. Польшада Польша Бирлашган ишчи партиясининг шу йил тўртинчи кварталида бўладиган VII съездига тайёргарлик ишлари қизғин тус олди.

Шу кунларда поляк коммунистлари икки миллионли армияси ҳаётида муҳим босқич — Воевода партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов конференциялари тугади. Бу конференциялар зўр сиёсий активлик вазиятида ўтди, уларда ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек, Давлат Кенгашининг Раиси Г. Яблоньский, Министрлар Советининг Раиси П. Ярашевич қатнашдилар.

Партия билетини алмаштириш соҳасидаги иш съездга тайёргарлик учун муҳим аҳамиятга эга. Партия билетларини алмаштиришга апрель ойида киришилади ва 1975 йил сентябригача давом этади.

#### РУМИНИЯ КЕМАСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Турну-Северин шаҳридаги кемасозлик корхонасида бу йил биринчи қуруқ юк ташийдиган 2300 тонна ҳажмли кема сувга туширилди. Бу кема Совет Иттифоқига юборилади. Совет ва Руминия мутахассисларининг кемасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида Жданов машинасозлари кема корпусларининг йирик секцияларини монтаж қилишда ишлатиладиган иккита махсус улкан кўтарма крани қуриш учун Руминиядан олинган заказни бажармоқдалар.

#### МХР: ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикаси енгил саноатининг ходимлари ўз байрамларини нишонладилар. Ўтган йиллар мобайнида енгил саноат республика халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир мамлакат жами ялпи саноат маҳсулотининг чорак қисмини, Монголия чет мамлакатларга сотаётган маҳсулотларнинг 40 процентидан кўпроғини енгил саноат ишлаб чиқармоқда.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилганлиги Монголия енгил саноатини ривожлантиришдаги янги босқич бўлди, деди енгил ва озиқ-овқат саноати министри П. Дамдин ТАСС мухбири билан суҳбатда. Бундан икки йил муқаддам Совет Иттифоқининг тажрибаси асосида жун ва терини қайта ишлаб, улардан маҳсулот тайёрлайдиган кўпчилик корхоналар иккита ишлаб чиқариш бирлашмасига бирлаштирилган эди. Тикувчилик корхоналарини уюштирган яна бир бирлашма ҳам ишлаб турибди.

(ТАСС).

### ҚАРОР МАЪҚУЛЛАНДИ

ДЕҲЛИ, 26 март. (ТАСС). Ҳиндистон марказий парламентининг халқ палатаси Хитой билан чегарадош Нагаленд штатида президент бошқарувини жорий этиш тўғрисида ҳукумат қарорини маъқуллади. Ички ишлар министри Брахмананда Редди депутатлар ҳузурида сўзга чиқиб, штатда ҳукуматга қарши қўпорувчи унсурлар томонидан бузилаётган сиёсий барқарорликни тиклаш зарурати президент бошқарувини жорий этишни тақозо қилганлигини айтди. Хавфсизлик органларига кейинги вақтларда Пекинда таълим олаётган ва қуролланиб чиқаётган сепаратчиларнинг активлиги қучайганлиги муносабати билан қонун ва тартибларга риоя қилинишини таъминлаб туриш тўғрисида буйруқ берилди. Брахмананда Редди исёнчиларни асоссиз сепаратчилик даъволаридан воз кечишга ва мамлакатнинг нормал сиёсий ҳаётига қўшилишга чақирди.

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БОНН. Германия Федератив Республикасининг демократик жамоатчилиги гитлерчилар фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги байрамига ҳар томонлама актив тайёргарлик кўрмоқда.

10 майда Франкфурт-Майнда ўтказиладиган оммавий митинг байрамнинг асосий тадбири бўлади. Дахауда, Гамбургда, Мюнхенда ва бошқа шаҳарларда жамоатчиликнинг йиғилишлари ва анжуманлари ўтказилади. Бу йиғилиш ва анжуманлар немис халқини гитлеризмдан озод қилиш учун ўз жонини фидо қилган совет жангчиларининг хотирасига бағишланади.

◆ РАНГУН. Бирма аҳолисининг сони 30 миллион кишидан ошиб кетди. Мамлакат аҳолиси бир йил ичида 2,2 процент кўпайди.

◆ ДАМАШҚ. Исроил ҳарбий трибунали ўтган йилнинг август ойида оккупация қилинган территориялардаги партизанларнинг операцияларида қатнашди, деган гумон билан исроилликлар томонидан қўлга олинган фаластинлик тўрт ватанпарварни умрбод турма жазосига ҳукм қилди.

◆ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиянинг Парана штати жануби-ғарбида яшовчи гуарани ва канганг деган ҳинд қабилалари ўз ерларини латифундиячи шайкаларидан ҳимоя қилмоқ учун қўлга қурол олишга қарор бердилар. Бу шайкалар мамлакатнинг маҳаллий аҳолисига ҳужум қилмоқдалар. Улар аҳолининг кулбаларига ва дон экилган майдонларига ўт қўйиб чорва молларини ҳайдаб кетмоқдалар, одамларни ўлдириб, ерларни босиб олмоқдалар.

(ТАСС).

### ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАНГКОК. (ТАСС). Кейнги кунларда Камбоджа миллий озодлик қучлари Пномпеннинг шимоли-ғарбида мустаҳкамланган бир неча позициясини Лон нолчиларидан қўлга киритиб Почентонг аэропортига яна икки километр яқинлашди. Америкаликлар қамалдаги шаҳар гарнизонини шу аэродром орқали қурол ва ўқ-дори билан таъминлаб турибдилар. Фронтнинг шу участкасини мудофаа қилиш масъулияти юклатилган Лон нолчи генерал Америка ҳарбий маслаҳатчиларининг кўрсатмасига биноан оддий аскарликка туширилган ва қамаб қўйилган.

Бу районда ғоят қаттиқ жанглар бўлмоқда. Кейнги ой ичида Туоллеап қишлоғи уч марта қўлдан-қўлга ўтди. Шу қишлоқдан Почентонг аэропорти тўпга ва ракетага тутилмоқди. Ҳозир бу қишлоқ тамомила ватанпарварлар қўлида. Аэропортни тўпга тутиш яна кучайтирилди. У 83 кундан бери тўпга тутилиб келмоқда.

Ватанпарвар кучлар Пномпендан шимолда Прэкпу районида Лон нолчиларни қисиб қўйдилар. Ватанпарварлар шу ердан Лон Нол резиденциясига ва Пномпендаги ҳарбий объектларга ракеталар ёғдирмоқдалар.

### ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

◆ БХОПАЛ (Мадҳья-Прадеш штати). Ҳиндистонда рус тили тобора катта обрў-эътибор қозонмоқда.

Бхопал университети ҳузурида рус тадқиқотлари институти ташкил этилган куннинг ўн йиллиги катта воқеа бўлиб қолди. Ҳиндистоннинг марказида ўтказилган бу маросимда Совет Иттифоқининг жуда кўп дўстлари қатнашди.

Институтнинг директори Шакунтал Вайдья ТАСС мухбири билан суҳбатда ифтихор билан бундай деди: институтни тамомлаб чиққан кишилар Ҳиндистон — Совет ҳамкорлиги корхоналарида таржимон бўлиб ишламоқдалар. Мамлакатдаги ўқув юртларида дарс бериб, Советлар мамлакати ва унинг халқлари билан аҳолини таништирмоқдалар.

◆ КОҲИРА. Араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг ишида қатнашаётган араб давлатлари делегацияларининг бошлиқлари кенгашнинг навбатдаги мажлисини кечиктиришга қарор қилдилар. Саудия Арабистонининг қироли Файсал ўлдирилганлиги муносабати билан шундай қарор қабул қилинди.

◆ ГАВАНА. Ольгин райони Кубанинг энг йирик вилояти — Орьентедаги муҳим индустриал-аграр марказ бўлиб қолмоқда. Бу районда яқин йиллар ичида кенг саноат зонаси вужудга келтирилади. Ольгин районида 30 га яқин объект қурилади. Шакар қамишни йиғиштириб оладиган «КТП-1» комбайнларини ишлаб чиқарадиган комбинат ана шу объектларнинг энг муҳими бўлиб қолади. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган бу комбинат йилига 600 комбайн ишлаб чиқаради.

(ТАСС).

### ЁРДАМ БЕРИШГА ОШИҚМОҚДАЛАР

**ВАШИНГТОН, 26 март. (ТАСС). Жануби-Шарқий Осиёдаги вазият кескинлашганлиги муносабати билан Пентагон Ҳинди-Хитой соҳилларига яна бир авианосец юбормоқда. АҚШ мудофаа министрлиги вакилининг айтишича, ичига 300 денгиз пиёда аскарлари тушган «Хэнкок» авианосеци шу ҳафта ичида «Тинч океаннинг ғарбий қисмига» йўл олади.**

**Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, «Хэнкок» кемаси зарурат туғилган ҳолатда Жанубий Вьетнамдаги ва Камбоджадаги америкаликларни кўчириб олиб кетиш учун Камбоджа соҳиллари яқинида туради.**

**Авианосецни юбориш «одатдаги операция» эмаслигини Пентагон вакили тан олди.**

## МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҚАТЪИЙ КУРАШИ

Япония давлат темирйўлларида хизмат қилаётган ишчилар, айниқса, машинистлар ўз ҳуқуқлари учун курашга қатъий равишда киришдилар. Улар ўзаро уюшган ҳолда темирйўл эгаларининг қаттиқ эксплуатациясига қарши кескин норозилик билдирмоқдалар. Темирйўлчиларнинг бу чиқишлари Япония давлат темирйўли машинистлари умумяпония касаба союзи ташаббуси билан ўтказилаётир. Бу касаба союз ташкилоти ўз сафида 50 мингга яқин меҳнаткашни бирлаштирган.

Маълумки, япон темирйўлчиларининг кўпчилиги меҳнаткашларнинг умумий забастовкасига тайёрланмоқдалар. Уларнинг бу чиқишлари ана шу тайёргарлик олдидаги дастлабки репетиция ҳисобланади. Япония меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун анъанавий баҳорги курашлари кундан-кунга авж олиб бораётир.

Темирйўлчиларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашлари бошқа мамлакатларда ҳам кенг аксадо топмоқда. Чунончи, бу айниқса, Италияда кенг авж олаётир. Яқинда мамлакат темирйўлчиларининг стачкаси натижасида темирйўллардаги ҳаракат 24 соат давомида тўхтатиб қўйилди.

Темирйўлчиларнинг забастовкасига Италия ўқитувчилари ва қишлоқ хўжалик ишчилари ҳам қўшилдилар. Улар ҳам 24 соатлик забастовка эълон қилиб, ўз иш жойларини тарк этдилар.

Буларнинг ҳаммаси Италия меҳнаткашларининг баҳорги намойишлари ҳар қачонгидан ҳам авж олаётганлигини кўрсатади. Бу забастовка ҳаракатларида мамлакатнинг беш миллионга яқин аҳолиси иштирок этди.

Туркия шаҳарларида ҳам ишчиларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураш йўлидаги дастлабки ҳаракатлари эътиборни жалб этмоқда. Яқинда Измир тўқимачилари жуда катта намойиш ўтказдилар. Истамбулда чиқадиган маҳаллий газеталар бу намойишни турк меҳнаткашларининг сўнгги йиллардаги энг катта чиқишлари деб баҳоладилар.

«Текстиф» касаба союзларининг даъватига мувофиқ Измирда ўтказилган бу намойишда ўн мингларча ишчилар қатнашдилар. Намойишчилар ишчиларнинг камситилишига қарши, уларнинг корхоналардан оммавий равишда бўшатилаётганлигига қарши кескин норозилик билдирдилар. Шунингдек, улар мамлакатда нарх-навонинг тобора кўтарилиб боришининг олдини олишни ҳам талаб қилиб чиқдилар. Ишчилар корхона эгаларининг ўзбошимчалиги билан қилинаётган жуда кўп бебошликнинг чеклаб қўйилишини талаб қилдилар.

Америка Қўшма Штатларида кенг авж олган забастовка ҳаракатлари мамлакатнинг кўпчилик районларида ўз доирасига кўпдан-кўп меҳнаткашларни тортмоқда. Яқинда Скрантон (Пенсильвания штати) шаҳрида ўтказилган ўқитувчилар забастовкаси катта ғалаба билан якунланди. Улар иш ҳақининг оширилишига эришдилар.

АҚШдаги қатор касаба союзлар ҳамда жамоат ташкилотларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб Чикаго шаҳрида беш ва олти апрель кунлари ҳарбий ҳаражатларни қисқартириш учун умуммиллий конференциясини ўтказишга қарор қилинди. Мамлакатнинг бир группа атоқли сиёсий, касаба союз ва жамоат арбоблари бу конференциянинг ўтказилишини ёқлаб чиқмоқдалар. Булар орасида тинчлик за озодлик учун кураш халқаро хотин-қизлар лигасининг раиси Кэтрин Кэмп. АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Анжела Дэвис, Америка конгресси вакиллар палатасининг аъзоси Рональд Деллэмс, ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Лютер Эванс, машҳур болалар врачи ва ёзувчи Бенжамин Спок ва бошқалар бор.

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг баҳорги намойишлари кун сайин кенг авж олаётир.

# «ЯК-42»НИНГ СИНОВЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

**Бундан бир йил аввал «Правда» газетасида бош конструктор А. С. Яковлев мақоласи босиб чиқарилганди. Бу мақолада янги «ЯК-42» пассажир самолётининг макети тўғрисида гапирилганди. Энди шу машина учириб синаб кўрила бошланди. Яқинда «буюртмачилар» — граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев бошчилигида, «Аэрофлот» вакиллари шу самолёт билан танишдилар. «ЯК-42»ни А. С. Яковлевнинг ўзи кўрсатди. Самолёт базага қайтиб келди. Уни синаш давом этмоқда.**

●

Халқаро Шереметьево аэропортидамиз. Бу ерда бирон кишини янги машина билан ҳайратда қолдириш қийин гап. Шундай бўлса-да, офтоб чарақлаб турган бу кун қарийб ҳар бир экипажнинг учувчилари команда-диспетчерлик пунктига бораётиб аэровокзалнинг янгини «ЯК-42» самолёти қўниб турган ўнг қанотига йўл солардилар.

Атоқли конструкторлик бюросининг иккинчи пассажир машинаси машҳур «ЯК-40» самолётидаги ҳамма энг яхши сифатларни ўзига олган. Янги машина тапасининг қуйруқ қисмида ўшандагидек учта мотор ўрнатилган, пассажирлар чиқиб тушадиган зинаси самолётнинг ўзидан туширилади. «Қирқ иккинчи» аввалгисидан қарийб тўрт баравар кучли, учиш олислиги ҳам анча узайган. Учиш-қўниш характеристикалари эса «қирқинчиникига» қарийб яқин келади.

Кема командири Арсений Колосов зинапоя ёнида бир оз кулимсираб турибди. Бу уятчан ва индамас кишини кўпдан бери биламиз: Курсантларни «ИЛ-28» биринчи реактив бомбардимончи самолётни учиришга ўргатган вақтларидан бери биламиз. Шунга мана қарийб чорак аср бўлибди. Арсений Леонидович осмонда етти минг соат ўтказди, СССРнинг хизмат кўрсатган синовчи-учувчиси бўлди. Лекин, ўзи ўша-ўшалигича қолгандек. Шошмай, вазмин юради, ошиқмай донодоно сўзлайди. Ундан самолёт қандай учаётганлиги тўғрисида гап сўраб беҳуда уринасиз. Елкаларини қисади-ю: «Учаяпмиз...» деб илжаяди. Ундан бошқа гап чиқмайди.

— Дастлабки учишлар, — деди борт инженер Ю. Б. Висковский, — олинган ҳисоблар тўғрилигини тасдиқлади. Моторлар яхши ишлаб турибди. Ҳозирча узил-кесил хулосалар чиқаришга вақт эрта бўлса-да, машина бизга ёқиб қолди...




Зиналарни босиб салонга кирамиз. Ҳозир пассажирларнинг креслолари ўрнида контроль ёзув аппарат блоклари жойлаштирилган. Шундай бўлса-да, салон ичи кенг тўкислигини, серфайз қилиб ишлов берилганлигини кўрасиз.

— Бу ер, — деди Арсений Леонидович, — багажхона. Пассажирлар ўтирадиган креслолар ўнг ва сўлда ҳар қаторда учтадан жойлашади. Салон поли остидаги қуйи палубага юк ортилади. Машина 120 пассажирни 1800 километр ва ундан узоқ масофага элтиб қўя олади. Самолёт ҳар қандай аэродромдан, шу жумладан оддий ер аэродромидан кўтарила оладди ва қайтиб қўна олади...

Учувчи кабинасига ўтамиз. Асбоблар ва агрегатлар ғоятда ўйлаб жойлаштирилган, экипажга мумкин қадар қулайликлар яратилган.

— «ЯК-42»ни икки учувчи бошқаради, — деб тушунтиради иккинчи учувчи Ю. В. Петров. — Самолётга ўрнатилган замонавий радио навигация асбоб-ускуналари ер куррасининг ҳамма районларида амалда ҳар қандай метеорологик шароитларда бемалол учаверишга имкон беради.

А. Л. Колосов экипажи «ЯК-40»нинг дастлабки моделларини синаб кўрганди, энди бўлса «ЯК-42» сериясидан биринчи машинани ҳам осмонга кўтарди. Александр Сергеевич Яковлев бундай деди:

— Учувчилар хўб чиниқишган, самолётни ҳар бир винтигача билишади. Бу сафарги синовларни ҳам муваффақиятли поёнига етказадилар, деяверишимиз мумкин...

Индамас Колосовдан шу тобда гап чиқиб қолиб:

— Ишимиз шунақа — самолётларни учишга ўргатамиз... — деди.

**А. ХОРОБРИХ,**
**(«Правда»нинг махсус мухбири).**

**Суратда: «ЯК-42» учяпти.**
**И. Воронаев фотоси.**

РЕСПУБЛИКА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

## Янгиликлар Воқеалар Фактлар

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ГРАНИТИ МОСКВАДА

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини изчил амалга ошираётган автоном республика қурилиш материаллари комбинатига қарашли мрамор-гранит карьери ишчилари якунловчи йил топшириқларини барвақт бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб меҳнат қилмоқдалар. Карьер коллективи мамлакатимизнинг кўплаб қурилиш обектларига сифатли гранит етказиб бериш учун алоҳида ғайрат кўрсатишяпти. Улар сўнгги икки йил ичида Тошкент метросига кўп миқдорда ялтироқ кўкиш гранит етказиб беришди.

Кончилар яқинда Нукус вокзалидан Москва метроси қурилиши учун ҳам гранит ортилган илк эшелонни жўнатдилар. Гранит пойтахт метросининг Пушкин бекатини безашда ишлатилади. Кончилар йил охирига қадар москваликлар учун яна 300 куб метр гранит юборишни мўлжаллаб туришибди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

### ЯНГИ ГАЗ КОРХОНАСИ

СССР Газ саноати министрлиги республикамиз жанубида жойлашган Қандим газ майдонида газни қайта ишловчи завод қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Заводнинг асосий хом ашё базаси худди шу ерда ва унга ёнма-ён Туркманистон ССРнинг Хаузак газ конларида бўлади. Бу қурилишга сарфланадиган капитал маблағни бир мунча камайтиради. Корхона ишга тушгач, ҳар йили миллиард пуд куб метр табиий газни тозалаб, химия саноати учун қимматбаҳо хом ашё олтингугурт тайёрлаб беради. Шу муносабат билан ҳозир Муборак газ конида ишлаб чиқариш ҳажми кун сайин ортиб бормоқда.

П. УШАПОВСКИЙ.

### ЎТТИЗ БЕШ МАМЛАКАТГА

Қўқондаги электр машинасозлиги заводи коллективи ўз маҳсулотларини кўплаб чет мамлакатларга экспорт қилади. Яқинда бу ерда Ироқ, Куба, Япония, Туркия сингари қатор мамлакатларга заводда ишлаб чиқарилаётган трансформаторнинг навбатдаги партияси жўнатилди.

Корхона коллективи тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 35 чет мамлакатга маҳсулот экспорт қилади.

А. ҲАКИМОВ.

* * *

Шунингдек, сурхондарёлик Қ. Мўриев, У. Бекмуродов, И. Михейкин, В. Новиков, қашқадарёлик С. Назарова, М. Ҳайитов, Э. Сатторов, Р. Жуманов, фарғоналик М. Шарипов, А. Усмонов, Х. Қаюмов, хоразмлик С. Авазмуродов, чирчиқлик А. Портной, қорақалпоғистонлик Р. Айтмуродов, О. Тохимбетов, олмаоталик Б. Уролов, Челябинскдан Н. Крохин, андижонлик А. Мухторов, Ш. Абдуллаев, тошкентлик С. Аблаева, наманганлик А. Мелиев, О. Мирзаев, А. Абдуҳакимов, О. Мусаевлар ҳам саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларидан турли хил хат-хабарлар йўллашган.

СССР ХАЛҚЛАРИ VI ЕЗГИ СПАРТАКИАДАСИ

## НАВБАТ—ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАРГА

**◆ МУСОБАҚА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ**
**◆ ЎЗБЕК БОКС МАКТАБИНИНГ БЕШ ВАКИЛИ ЯРИМ ФИНАЛДА**
**◆ РУФАТ РИСҚИЕВ, НИКОЛАЙ АНФИМОВ, ФЕЛИКС ПАК, ИЗОЛЬД МУЛЛАЕВ ВА АБДУЛЛА ҚОДИРОХУНОВЛАР ОЛТИН МЕДАЛЬ УЧУН КУЧ СИНАШАДИЛАР.**

«Финалда рингга 75 килограмм вазнли румин боксчиси А. Нэстак билан жаҳон чемпионати мусобақаларини ёритаётган спорт журналистлари «Тошкент қоплони» деб баҳолаган Руфат Рисқиев кўтарилдилар. Аммо, «қоплон»нинг рингга бир қўли лат еган ҳолда чиққанини залдаги 14 минг томошабиндан бирортаси сезмасди. Руфат чемпионатда бир неча бор такрорлаган ҳал қилувчи зарбини ишга сола олмаган бўлса-да, шубҳасиз, ишончли ғалабага эришди».

Гаванада ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсларида доврук таратган боксчимиз ҳақида «Правда» газетаси шундай деб ёзган эди. Руфат жаҳон чемпиони бўлганидан бери саноқли ойлар ўтди. Унинг учун шундан кейинги йирик мусобақа мазкур спартакиада турниридир. Тошкентлик мухлислар ўтган куни Руфатнинг иккинчи «жанг»и шоҳиди бўлишди. Чорак финал баҳсларини бошлаб берган Рисқиев бу сафар латиш боксчиси Владимир Редькин билан куч синашди. Биз спартакиада қатнашчиси, жаҳон чемпионининг командадоши Абдулла Қодирохуновдан мазкур учрашув ҳақидаги фикрини сўрадик.

**«Назаримда, Руфатнинг бир қўллаб жанг қилиши, жаҳон чемпионатидан кейин унинг ўзига хос тактик усулига айланган. Лекин у ўнг қўлини ишлатмаяпти деб бўлмайди. Бу қўл гўё тортилган пружина. Латиш боксчисининг ташаббуси ҳам аслида шу қўл зарби билан қайтарилди. Баъзилар қўш қўллаб ҳаракат қилишади-ю, самарасиз бўлади. Боксчининг ҳар бир ҳаракати аниқ ва мақсадли бўлиши керак. Ортиқча урниншлар ҳамма вақт ҳам очко беравермайди. Руфатда натта тажриба бор. Айниқса ҳимоями ўрнига қўяди. Ҳамма вақт ҳушёр турib, пайтида зарба беради. Судьялар иккинчи марта бир оғиздан уни ғолиб топиб, қўлини кўтарганлари ҳам шундан».**

Руфат Рисқиев ярим финалда украиналик боксчи А. Климановга рўбарў бўладиган бўлди.

Утган кунги боксё баҳсларида ўзбекистонлик спортчилардан Абдулла Қодирохунов ҳам ярим финалда куч синашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Абдулла ғалдаги мусобақада ленинградлик А. Рагимовни маглубиятга учратди. Шу кунги яна бир бокс баҳси ҳақида икки оғиз сўз. Туркманистон терма командасининг вакили Илгор Эгамбердиевнинг бу сафарги ғалабаси муҳлисларда яна қизиқиш уйготди. Бўйчан йигит тўхтовсиз ҳужум қилиб, қозоғистонлик Валерий Рачковни ҳолдан тойдирди ва иккинчи ютуққа эришди. Илгор асли тошкентлик бўлиб, бокс баҳси сирларини устози Ҳамидулла Ғозиевдан ўрганган. Ҳозир Туркманистонда ҳарбий хизматни ўтамоқда. Агар Қодирохунов билан Эгамбердиев навбатдаги учрашувларда ғолиб келишса, финалда ўзаро куч синашиб қолишлари мумкин. 60 килограмм вазнли боксчилар мусобақасида ўзбекистонлик армиячи Дмитрий Грубов маглубиятга учраб, ярим финалга кўтарила олмай қолди.

Шундай қилиб, бугун ҳал қилувчи баҳсларга старт берилади. Кам деганда бронза медалини қўлга киритган боксчилар энди совриндор ўринлар ҳамда олтин ва кумуш медаллар учун курашадилар. Спартакиада чемпиони номини олганлар бугун, ва якшанба куни аниқланади.

Ҳ. НОСИРОВ,
Р. ҚОСИМОВ.

# ИСНОД ЭМАСМИ, АХИР!

## МАМЛАКАТ БОЗОРЛАРИДАГИ ЧАЙҚОВЧИЛАР ХАЛҚИМИЗ ШАЪНИГА ДОҒ ТУШИРМОҚДАЛАР

Москвага белоён мамлакатимиз ва дунёнинг ҳамма томонидан зиёратчилар келишади. Муқаддас ёдгорликларни, замонавий кошоналарни, санъат ва адабиёт даргоҳларини ҳаяжон билан кўздан кечиришади.

Бизнинг пахтакор диёримиздан ҳам азиз Москвага бориб келувчилар оз эмас. Улар дўнгдор ишчи-деҳқонлар, зиёлилар, ветеранлар, бир сўз билан айтганда, улуғ замонамизга муносиб кишилар.

Москва уларни:

— Марҳабо. кадамларингизга ҳасанот, хуш келибсизлар! — дея қарши олади.

Лекин биз ҳикоя қилмоқчи бўлган шахсларни-чи? Асло!

Мана улар! Ноёб моллар харид қилиш мақсадида магазинма магазин дайдиб юришибди. Мана улар! Вокзалда Тошкент ва Андижондан, Наманган ва Фарғонадан шерикларининг мол олиб келишини кутиб туришибди. Мана улар! Азим шаҳардаги 30 бозорда чайқовчилик қилиб, эл нафратига дучор бўлиб ўзбек халқининг номига иснод келтириб ўтиришибди.

15 март. Марказий бозор. Икки қаватли замонавий бино. Аста айланамиз. Бир йигит гўё қулоқларини совуқ учириб кетадигандай қулоқчинини бошига маҳкам бостириб олибди. Турп сотяпти.

— Неча пул? — сўрашади харидорлар.

— Бир ярим сўм.

— Бир килоси-я?!

— Ҳа.

— Ноинсоф!

Харидор кампир ҳақ гапни айтди. Ўзбекистон бозорларида нари борса 25 тийиндан сотилиб турган бир нарсани уялмай-нетмай бир ярим сўм дейиш инсофсизлик-да! Сўраб суриштирдик. Турсун Мирзабоев деган бу шахс Наманган шаҳридаги Бураматут кўчасида истиқомат қилар экан. Тўққизинчи март куни Андижон—Москва поездининг 7-вагонида келибди. Ҳар қоп юк учун вагон проводнигига 15 сўмдан йўлкира тўлабди.

Бир килограмм турпни бир ярим сўмдан пуллаб турган учарлар бу ерда оз эмасди.

Мамажон Тошхўжаев. Фарғона областининг Олтиариқ районидан, «Пахтакор» совхозидан келган экан.

Неъмат Қўзибоев. Бу ҳам олтиариқлик.

— «Ленинград» колхозиданман, ака. Ишим чатоқ. Мехмонхонадан жой топилмади. Вокзалда ётиб юрибман, — арз қилди у.

Зокиржон Мамадалиев. Буниси ҳам Олтиариқдан. Янгиқўрғон қишлоқ Советида яшар экан. Баллией, олтиариқликлар шаънига доғ туширган «учарлар»!

— Кеб қолинг, асал қовунга! Кеб қолинг, шарбат узумга! Сотаману кетаман! — 50 ёшлардан ошган бир кимса тинмай жоврайди.

Танишдик. Исми шарифи Жўра Маҳкамов бўлиб, Тошкент областининг Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозда истиқомат қилар экан.

— Шу бугун Тошкент—Москва поездида келдим. Ётарга жой топилмади. Вокзалда тунайдиганга ўхшайман, — дейди у.

Шунака! Жўравой сингари Москвага қоп ёки чамадон кўтариб бориб, кечалари вокзални «обод» қилиб юрганлар — оз эмас.

Олимжон Аҳмедов деган биттаси бозорга кекса онаси Эъзозхон ҳамда рафиқаси Ойсудахонларни ҳам етаклаб келибди. Олимжон баргак сотяпти. Аёллар пештахта тагида тўтиришибди. Аянчли, ҳунук манзара!

О. Аҳмедов Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг 1-Андижон станциясида ишлар экан.

— Отпускадаман. Йўл ҳақи бепул. Шунинг учун онам билан хотинимни ҳам бошлаб келдим, ўйнаб кетишар, — ўқтирди у.

Бозор бурчагида бир кекса аёл тиликлаб ковун сотяпти.

— Қаердансиз, онахон? — сўраймиз ундан.

— Тошкент шаҳридан, айланай. Колхоз кўчасидаги 20-уйда тураман.

— Исмингиз нима?

— Муҳаббат, айланай.

Муҳаббат холадан нарирокда анор сотиб турган йигит бирдан олазарак бўлиб қолди.

— Сиз қаердансиз? — сўраймиз ундан.

— Тошкентдан.

Муҳаббат холанинг ранги қув ўчди. Ҳимояга шайланди.

— Анор меники, айланайлар! Ўғлимни ҳафа қилманглар.

Эй, онаизор-а! Аслида уни бу ерга ўғли Усмон Исмоилов бошлаб келган-ку! Кексайган чоғида онасини чайқовчиликка бошлаб, рохат-фароғатда ўтказиб қўйиш ўрнига довдиратиб юрган ўғилдан жуда нафратландик. Узининг айтишича, Исмоилов Тошкент шаҳридаги «5-Декабрь» фабрикасида ишлар экан.

Андижон областининг Ленин районидаги Энгельс номли колхоздан келган Қодир Холмирзаев, Андижон районида яшовчи Абдураимжон Валиев. Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳасан Қосимов билан Шароф Олмосовларнинг ҳам бозорлари чаққон. Куришиб қолган майда анорларни тўрт ва беш сўмдан пуллаб туришибди.

— Ўзимизда сотсаларинг бўлмасмиди? — сўраймиз.

— У ерда буни бир мирига ҳам олмайди-да, кўряпсизми, — дейишади сурбетлик билан.

Қодиржон Абдураимов деган учарни Марказий бозорнинг марказий фигураси деса бўлади. Эндигина 35 ёшга кирган бу шахс Андижондан ёнғоқ, анор келтириб пуллайди. Ҳатто, шу ернинг ўзидаям олиб-сотарлик қилаверади. 13 март куни бу товламачи анор ва ёнғоқ сотиб турган эди. 18 мартда эса помидорфурушлик қила бошлади. Эртасига Андижон—Москва поездига учта каттакатта яшчикда юк кўтариб чиқди. Москвадан Андижонга бирор камёб нарса жўнатаётган эди. Ҳайрият, проводниклар уни вагонга қўйишмади.

— Юкка топширинг, — қатъий талаб қилишди улар.

— Тўй қиляпман, жон ака, ола қолинг, вагонда чамадонларга жойлаб оламан.

Қодиржон Абдураимовнинг шайтон йиғиси проводникларни юмшата олмади. Поезд жўнаб кетди.

16 март. Черемушка бозори. Эшикдан киришимиз биланок пахмоқ соқолли, қотмагина, узун бўй бир одамга кўзимиз тушди. Турп сотяпти. Бир ярим сўмдан. Соқолини кўриб: «Қариган чоғида бу ерларда нима қилиб тентираб юрибди-я!» — деб ачинасиз. Аслида Олтиариқ районидан бўлган бу кимса — Собир Мирзажонов шу йилнинг 14 майида роппа-роса 46 ёшга тўлар экан. Душанба шаҳрида яшовчи укаси Солиҳжонни ҳам «хашар»га чақиртиribди. У «ота»дан нарирокда турп сотяпти.

— Акамга қарашай деб тўппа-тўғри самолётда учиб келдим, — деб мақтанади у.

Олтиариқлик С. Мирзажоновни 19 март куни Қозон вокзалида учратдик. Укаси билан Андижондан поезд келишини кутарди. Яна юк олиб келинаётган бўлса керак.

Олтиариқ районининг Паласон қишлоғидан турп олиб келган Мўсин Отажоновнинг бозори ҳам ёмон бўлмади. Уч тўрт кунда талай пуллик бўлди.

19 март. Қозон вокзали. Москва вақти билан соат 6 дан 20 минут ўтган. Ҳаммаёқни кутувчилар босиб кетибди. Ўзбек йигитлари, қариялари, аёлларининг кўзлари олазарак. Бир аёл у ёқдан бу ёққа чопиб юрибди. Ҳатифа исмли бу кимса таги Андижонлик бўлиб, салкам 20 йилдан буён Москвада тентираб юрар экан. Касбикори — Андижондан келадиган чайқовчиларни ноёб моллар билан таъминлаб туриш!

Соат 6 дан 25 минут ўтди. 33-Андижон—Москва поезди вокзалда. Кутувчилар вагонлар томон югуришади. Яна қоп-қоп турп, анор, ёнғоқ олиб келинди. Фарғона областининг Охунбобоев районидан йўлга чиққан Мамасодик Абдуллаевнинг бир ўзи 4- ва 10-вагонларда ўн қоп турп келтирди.

— Проводникка қанча йўл ҳақи тўладингиз?

— Улай агар тўламадим.

— Шунча юкни бекорга олиб келишдими?

Ҳа, Абдуллаев вагон проводниклари Собиржон Собиров, билан Йўлдош Эргашевларга: «Пул бердим, деб айтсам, тилим тутилсин», — дея ваъда берганга ўхшарди.

Андижон локомотив депосининг ишчиси Эргаш Исматуллаев 4-вагонда тўрт қоп анор олиб келган эди. У ҳам Абдуллаев сингари проводникларга ҳақ берганим йўқ, деб туриб олди. Қаранг, мушук бекорга оftобга чиқибди-да!

Бир ҳафта давомида Москва бозорларида бўлиб, чайқовчилар найрангларини кузатганимизда ҳамда улар билан суҳбатлашганимизда шу нарса аён бўлдики, Фарғона водийсидан Москва шаҳрига юк олиб борувчи «шоввозлар»нинг асосий хизматкори, беминнат дастёри 33-поезд экан. Афтидан, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасидаги масъул ўртоқлар бу поездни унутиб қўйганга ўхшашади. Акс ҳолда, чайқовчилар қўлига топшириб қўйилмаган бўларди.

Биз бундан олдин газетамизда эълон қилинган «Нафс балоси» фельетонимизда Новосибирск бозорларидаги чайқовчилар ҳақида ёзган эдик. Ўзбекистон меҳнаткашларининг шаънига иснод келтириб, шаҳарма-шаҳар чайқовчилик қилиб юрган кишиларни фақат Новосибирск, Москва шаҳарларидагина эмас, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам учратиб турамиз. Ҳалол меҳнат қилмай енгил-елпи пул топишга ўрганиб қолган бундай кишилар қачонгача халқимиз шаънини ерга уришади? Ахир, улар яшаётган, хизмат қилаётган колхоз, совхоз, қоларверса, район рахбарлари нега бундай шармандаликка йўл қўядилар?

Ойни этак билан, оловни ҳашак билан яшириб бўлмайди. Олис юртларда тентираб юрган пул бандаларининг кирдикорлари ҳаммага аён. Уларнинг эл-юрт олдида шарманда бўлишлари турган гап.

**У. ЮСУПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

**Р. ҒОЙИБОВ,**
**А. БАҲРОМОВ,**
**Республика Ички ишлар министрлиги масъул ходимлари.**

**Суратларда: (чапдан) 1. Олтиариқлик турпфуруш Собир Мирзажонов «иш устида». 2. Собир Мирзажоновнинг ҳамрайони Зокиржон Мамадалиев қолган турпин неча сўм бўларнин, деб ҳаёл суриб турибди. Балли-е, олтиариқликлар! 3. Андижон районидан йўлга чиққан бу анорфуруш Москвада бир қўниб ўтди. Кейин Ленинградга йўл олди. 4. Андижон шаҳрининг Байналминал кўчасида истиқомат қилувчи Ҳасан Қосимов қариган чоғида «қармоқ»ка тушиб турибди. 5. Онаси ва рафиқасини етаклаб туршафурушликка отланган андижонлик Олимжон Аҳмедов харидор кутмоқда.**

## ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Швейцариядаги қўёш энергиясидан фойдаланиш бирлашмаси сувни иситиш ва уй-жойларни иситиш учун қўёш энергиясидан фойдаланиш планини ишлаб чиқди. Бирлашма уй томларида жон бошига 1-2 квадрат метр ҳисобида иситиладиган саҳни махсус коллекторлар қуришни таклиф этади. Экспертларнинг ҳисоб китобига кўра, бундай чора Швейцариянинг йилига 1 миллион тонна чамаси нефтни тежашига имкон беради.

Сидзуока префектурасидаги «Норидзуки Тэккосио» компаниясининг заводида жаҳонда энг катта лазер телескопи яратилди. Унинг диаметри 3,8 метрга боради. Телескоп Тэкио обсерваториясининг буюртмасига биноан ясалган бўлиб, лазер датчигидан фойдаланган ҳолда астрономик кузатишлар олиб боришга аталган. Телескопни қуриб битиришга икки йил кетди.

●

Япония ҳукумати мамлакатда биринчи радиотелескоп қуришга маблағ ажратди. Телескопнинг антенна системасида диаметри 45 метрга борадиган асосий параболик антенна билан ҳар бирининг диаметри 10 метрдан келадиган бешта ёрдамчи антенна бор.

**«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИГА**

Туғилган кунимнинг 70 йиллиги ва менга Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси фахрий унвони берилиши муносабати билан табрик йўллаган барча дўстларим ва коллективларга самимий миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

**Назир САФАРОВ.**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**БУГУН**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.45 — Ишлаб чиқариш новаторлари. 19.15 — **«Ахборот»**. 19.30 — Социализм дунёси (Москва). 20.00 — СССР халқлари VI спартакиадаси. Бокс. 20.40 — **«Ахборот»**. 21.00 — Халқ контроли экрани. 21.30 — Дутор тароналари. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Экиш — биринчи имтиҳон. 22.50 — Асалом, қаҳрамон шаҳар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Кинофильм. 12.00 — **Ғалати гаров** (бадиий фильм). 16.35 — Ўқув кўрсатуви. 18.35 — МОСКВА. 19.00 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30 — Инсон ва қонун (Тошкент). 20.00 — МОСКВА. 20.55 — Телефильм. 22.00 — Ўқув кўрсатуви. 22.30 — Халқаро театр куни. 23.45 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 20.15 — Тошкент янгиликлари. 20.30 — **«24-25» қайтмаяпти** (бадиий фильм).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/III да **Чио-чио-сан**, 29/III да **Золушка** (кундузи), 30/III да **Севилья сартароши**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/III да **Лукаш Ботир** (12.00), **Абу Райҳон Беруний** (кечқурун), 29/III да **Қароқчилар** (кундуз ва кечқурун), 30/III **Лукаш Ботир** (кундузи), **Аяжонларим** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ургатилган ҳайвонлар иштирокида ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (12.30, 15.00 17.30).**

## КИНО

**Блокада** — САНЪАТ САРОЙИ, «ВОСТОК», «НУКУС», «ЧАПКА» «МОСКВА» кундуз ва кечқурун).

**Миллионни қандай ўғирлаш керак?** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (12.00 14.30, 17.00, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

**Ромео ва Жульетта** — «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 21.00).

**Есения** — «ДРУЖБА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.00).

«БЕКАБАДМЕТАЛЛУРГСТРОЙ» НИНГ 16-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

**Ўзбекистон металлургия заводи қурилишида ишлаш учун қўрувчи-инженерлар ишлаб чиқариш бўлими, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва лойиҳа-смета группалари бошлиқлари; трест бош механиги, план бўлими бошлиғининг ўринбосари, катта иқтисодчилар, катта прораблар, прорабларни**

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**Ишга қабул қилинганлар олти ой давомида уй билан таъминланадилар.**

Шунингдек, ишт терувчилар, дурадгорлар, суворчи-бўёқчилар, темир-бетон конструкцияларининг монтажчилари ва бошқа касбдаги ишчилар ҳам ишга таклиф қилинадилар (меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли).

**Бир йил давомида уй берилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бекобод шаҳри.

●

**Туркистон ҳарбий округининг** САВДО БОШҚАРМАСИГА

**Тошкентда ва бошқа жойларга чиқиб ишлаш учун бош (катта) бухгалтерлар, бухгалтерлар, ревизорлар, эрканларнинг устки кийимларини тикувчилар, машинистка**

**КЕРАК**

**Бошқа шаҳарларга ишга командировка қилинганлар турар-жой билан таъминланадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй. Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация Бюроси.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, район касаба союз ташкилоти ва М. Уйғур номли 22-ўрта мактаб ўқитувчилар коллективи шу мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳ. Ҳошимовга ва тил-адабиёт ўқитувчиси М. Орифжоновага онаси

**Роҳат ОРИФЖОНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва Тошкент шаҳар молия бўлими Ўзбекистон ССР Молия министрлиги назоратчиларидан Тошкент шаҳри бўйича бош контролёр-ревизори Г. Шерембаевга отаси

**Шер ТОШХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 03316. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б. — 73.